Дунёда шахарлар кўп - Рим, Лондон, Москва, Истанбул, Техрон, Мадрид, Душанбе, Нью-Йорк, Тошкент... Уларнинг рўйхатини яна анча давом эттириш мумкин. Бу шахарларга турли хил маъноларни англатувчи таърифлар берилган. Рим - модалар шахри, Лондон - туманлар шахри, Париж - гўзаллар шахри, Лиссабон - денгизчилар шахри... Ватанимиз пойтахти Тошкентни эса нон шахри ёки деворлар куршовидаги шахар дея эътироф этишади.

Тошкент кадимий тарихга эга бўлиб, у ўтган давр мобайнида кўпдан-кўп боскинчилик ва шафкатсизликларни бошидан кечирди. Шу сабабдан шахар халки озодлик ва мустакиллик йўлида узок йиллар кахрамонона кураш олиб борди. Тошкент кулай географик ўринда жойлашганлиги боис доим ўзга давлатларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Шахар ташки душманлардан сакланиш учун ўша даврлардаёк девор билан ўраб олинган эди. Тарихий маълумотларга кўра, 19 асрдаёк Тошкент уч катор айланма девор билан куршаб олинган.

Хусниддин Нурмухаммедовнинг «Тошкентнинг кадимги дарвозалари» деб номланган асарида Тошкент девори хакида куйидаги маълумотлар келтириб ўтилган: «18 асрнинг охирларида шахар мудофаа деворининг баландлиги салкам 8 метр, тепа кисмининг кенглиги 2 метргача бўлган. Девор айланасининг узунлиги 18,2 км., шахарнинг умумий майдони эса 26,4 кв. км.ни ташкил этган».

Тўхтовсиз урушлар натижасида шахар девори яроксиз холга келиб, кайта куришни талаб килгани боис XIX асрнинг ўрталарида Тошкент шахрининг беклар беги шахар деворини кайтадан таъмирлатади. Бу вактда девор баландлиги 10 метрдан ошиб, деворнинг юкори кисмида душманга ўк отиш учун кўплаб шинаклар очилган эди. Шахар мудофаа деворининг 12 та дарвозаси (Тахтапул, Лабзак, Кашкар, Кўкон, Кўймас, Беш-ёгоч, Камолон, Самарканд, Кўкча, Чигатой, Сагбон, Корасарой) ва иккита коф-каси (яъни, 1 нафар отлик кириб чикадиган туйнукчаси) бўлган.

Бу 12 дарвозанинг хаммаси катта йўл устида курилган бўлиб, дарвозалар мустахкам, каттик ёгоч - тог арчасидан ясалган ва уст томонига накшинкор безаклар берилган. Хар бир дарвозада жуфт халкалар ва калитлар бўлган. Калитлар дарвозабонлар кўлида сакланган. Дарвозабонлар дарвозани тонгда очиб, куёш ботганда беркитганлар. Дарвоза ёпилгандан сўнг, уни очишга хеч кимнинг хакки бўлмаган. Факатгина шахар хокимининг ўта зарур фармойиши бўлгандагина дарвозани очишга рухсат берилган. Дарвозадан ичкарига кирганда узун йўлак бўлиб, унинг икки томонида хужралар жойлашган. Хужраларнинг бири овкатланиш жойи бўлса, иккинчиси дам олиш хонаси бўлган. Дарвозабонлар вакти-вакти билан алмашиниб навбатчилик килганлар. Шахарнинг ўн икки дарвозаси ортида хаёт кизгин давом этган.

Маълумотларга кўра, шахарда богдорчилик яхши ривожланган. Бу ерда ёнгок, олма, нок, шафтоли, узум етиштирилган. Шафтолининг шундай бир машхур нави бўлганки, унинг бир донасидан бир пиёла шарбат чиккан. Ёнгокнинг, айникса, галвир деб номланган нави кўп бўлиб, унинг магзи кўриниб турган. Тошкент ўзининг ажойиб манзараси ва гуллари

билан хам ажралиб турган. Гуллар орасида, айникса, Тошкент лоласи машхурдир. Лоланинг бу нави саккиз, ўн икки япрокли бўлиб, улар бир-бирига ўхшамайдиган турли ранглар билан копланган.

Тарихчи Хамид Зиёэвнинг «Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси» асарида 1741 йили Тошкентга келган татар савдогари Шубай Арслоновнинг Тошкент хакидаги маълумотлари келтирилиб, шахарнинг ўша даврдаги таш-ки ва ички манзараси ку-йидагича тасвирланади: «Тошкент шахри калин пахса девор ва зовурлар билан ўраб олинган. Шахар катталиги жихатидан Козон шахрига тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз холда пахса девор билан курилган. Шахарда бог ва масжидлар кўп. Катта масжидларда кўпчилик бўлиб намоз ўкиганлар. Дарвозалар олдида алохида миршаблар туради. Уларда тўп йўк, узокка отадиган милтиклар бор. Бундай милтиклар Тошкентда ясалади. Шахарни ўн икки кишидан ташкил топган кенгаш бошкарган. Хукумат кароргохи Кўкча дарвозаси ёнидаги калъада иш юритади. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юк карвони олти кунда босиб ўтган. Иргиз дарёсидан Уфагача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхга йигирма кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган».

1865 йил 16 июнда чор Россияси кўшинлари шахарни босиб олгандан сўнг, ўн икки дарвозанинг рамзий олтин калитларини генерал Черняэв 1865 йилда Петербургдаги харбий музейга топширган. Калитлар 1933 йил 14 июнда Ўзбекистонга олиб келиниб, Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакили Мухиддин Турсунхўжаэв томонидан кабул килинган ва улар ёдгорликларни саклаш кўмитасининг раиси Низомиддин Хўжаэвга топширилган. Бу хакдаги далолатнома Ўзбекистон -халклари тарихи музейида сакланмокда. Низомиддин Хўжаэв ташаббуси билан калитлар устида текширувлар ўтказилганда, тахмин килинганидек, кумушдан ясалиб, устига олтин суви юритилган бўлмай, балки соф олтиндан ясалганлиги аникланган. Хозирда бу калитларнинг ўн биттаси Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида сакланаётган бўлса, биттаси Ўзбекистон халклари тарихи музейида кўргазмага кўйилган. Бу калитларнинг хар бирида ясалган вакти (хижрий 1282 йил) ва дарвозалар номи ёзиб кўйилган.

Шуниси эътиборга моликки, барча дарвозаларнинг чикаверишида кабристонлар бўлиб, уларнинг аксарияти хозирги кунгача сакланиб колган. Баъзиларидан бугунги кунда хозир хам фойдаланилади. Бу кабристонларга шахар мудофаасида кахрамонона кураш олиб борган юртнинг мард ўглонлари дафн этилган.

Наргиза Убайдуллаева